

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 20-may / № 17 (4676)

## ЭЗГУЛИК БОҒЛАРИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ижодий-маданий масалалар бўйича “Энг фаол тарғиботчи” танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизда янги маънавий-маърифий тарғибот ҳаракати тобора кенг ёйилаётганидан дарак беради.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ижод аҳли ва маънавият соҳаси ходимларини мактабларга кенг жалб этиш мақсадида 2021 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ва Ўз-

ўрта махсус педагогик маълумотга эга мухтаassisлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари тавсия этилди.

Тарғиботчи фаолиятини йўлга қўйиш учун қисқа вақтда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Низомлар ва режалар ишлаб чиқиш, фаолият кўламини белги-

булиши табиий ҳолдир. Тарғиботчи, аввало, мактаб маънавий муҳитини зийраклик билан урганиши лозим. Ижодий-маданий масалалар тарғиботи мактабдаги асосий фанлар ва дарс жадвалидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Ёқувчилардан бири кимёга, бири математикага, бошқаси эса тарих ва адабиётга қизиқиши, ўзининг севган ўқитувчилари бўлиши табиий ҳол. Аммо ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи — ҳамма кутадиган ва интиладиган, сеvimли мураббий бўлиши шарт. Бундай мақомга эса осонгина эришиб бўлмайди.

Шу ўринда Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабда иш бошлаганим эсга тушади. Мактаб зўр таъмирланган, ҳаммаёқ ораста. Тийрак ўқувчиларни, жонсарак ва меҳрибон ўқитувчи-устозларни кўриб одамнинг баҳридили очилади. “Ёшлиқда олинган билим — тошга ўйилган нақш” каbidир. Болажонлар мана шу ҳикматни билишининг ўзиёқ одамга кўтаринки кайфият бағишлайди! Мен яхши ният ҳақида гапирдим. Эзгу, улуғ ишлар, улкан натижаларнинг аввали — Яхши ниятда! Шу тариха илк суҳбатимиз кўр олганди.

Мактаб, асосан, физика-математика фанларини чуқур ўқитишга ихтисослашган. Шу билан бирга, тарих, адабиёт, спорт ва техник билимларга ҳам қизиқиш кучли. 3-синф ўқувчилари “Жажжи зукко ўқувчи” танловида голиб бўлишган экан, бадий чилишлари билан қўйил қолдиришди. Ҳар

бир синфда адабиёт мухлислари, ижодий машқлар битувчи ўқувчилар бор.

Тарих ва улуғ аждодларимиз ҳақидаги сўзларингни жон қўлоғи билан тинглаётган қорақўзларга боқиб, таърифлаш қийин бўлган мароқни ҳис этасан, киши. Мактабда иш бошлаганимдан сўнг маҳаллада, кўча-кўйда каминани кўргани заҳоти қўлини кўксига қўйиб, тавозе ила салом беришидан сездимки, булар — бизнинг ўқувчилар! Ўз-ўзидан режалар туғила бошлади: ўқувчиларнинг машқлари ва ижодкор устозлар битикларини жамлаб, ўқув йили охирида бир тўпلام тайёрласам, нашр этиш масаласи ҳам ижобий ҳал бўлар. Қисқаси, мактабда иш кўп ва асосийси — маънавий муҳит яхши. Дилга яқин жамоа! Ҳозирча ҳамма ўқитувчиларни номма-ном билмайман, лекин айрим кузатувларим бор, албатта. Директор Дилшод Абдуллаев ёш бўлишига қарамай, жуда вазмин, муомалали йигит. Тиниб-тинчимас, тадбиркор раҳбар. Ўқув ишлари бўйича ўринбосари Равшан Хидировнинг ашаддий китобхон ва ташкилотчилиги — айни муддао. Маънавиятчи Гулистон Асадованинг иш тажрибасидан кўп нарсани ўрганса бўлади. Мактабда адабиётга қизиқиш кучли экани, шеър ва ҳикоялар машқ қилувчи устоз ва ўқувчиларнинг кўплиги қувонarli! Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мактабга 500 дона китоб совға қилиниши, бу туҳфа “маънавият қарвони” сифатида қабул қилингани, айниқса, завқли воқеа бўлди.



## БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР...

Биз негадир чарогон юлдузларни олислардан излашга кўникиб қолганмиз. Олдимизда, ён-веримизда юрган, матонат билан замонни ортидан эргаштириб бораётган, давр кайфиятини белгилаб бераётган шахсларни ҳар доим ҳам эътироф этавермаймиз. Қуйидаги ҳикоя яқин йилларгача биз билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлган ўзбек халқининг ҳассос шоираси ҳақидадир.

У 1947 йил 17 майда Сирдарёнинг Боёвут туманида, деҳқон оиласида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқиган.

Икки яшарлигида онаси вафот этгач, холаси ёш қизалоқни ўз бағрига олди, улғайтирди. “Эс-эс биламан, — деган эди у боқиб катта қилган онаси ҳақида, — Қаршигун ая кечалари чироқ ёруғида қарсиллатиб қилич солиб, пат тўқир, мен эса ёнида ўтириб, басма-бас патнинг турини чалишардим. Пат гиламнинг гулини бирор жойи бузилмай чиқаётганини кўрган онам “ўзимни чевар қизим” деб пешонамдан ўлиб кўяр ва кўнгиллари ийиб кетса, ўзининг бошидан кечган бир-ярим воқеаларни ҳикоя қилиб берадилар. Анчагина асарларим, шулардан “Бир ўрим соч тарихи”, “Сайрам бахши айтимлари”, “Ҳиндикушдан нола келди” шеърларим,



“Илинж” дostonим айнан шу оназорим таъсирида битилгандир”.

Булажак шоиранинг илк шеърлари ўрта мактабнинг 7-синфиди ўқиб юрган пайтлари туман газетасида эълон қилинган. Тасодиф сабаб унинг шеърларини ўша даврда Ўзбекистон раҳбари бўлган Шароф Рашидов кўриб қолади ва вилоят раҳбарига бу қизни Тошкентга ўқишга юборишни тайинлайди ва ижодини кузатиб боради. Асарлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириди.



бекстон Ёзувчилар уюшмасининг қўшма қарори имзоланган эди. Мазкур қарорга мувофиқ, “Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи” лавозимига олиб ёки

лаш улкан саъй-ҳаракатларнинг бошланиши, холос. Ҳар бир мактабни алоҳида оилага қиёсласак, бу “оила”ларда ўзига хос маънавий муҳит, анъана ва қадриятлар

## КЎЗИГА ОЙНИ БЕРКИТГАН ШОИР

Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон, драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини қайта-қайта ўқир эканман, ичимдан бир ўқириб отилиб келади. Бу армон, бу кайгу ортидан 25 ёшида “халқ душмани” тамғаси остида қамалиб, 32 ёшида олис Кемероводан, гулдек умри қаҳратонларда қотган шоир қараб тургандек бўлаверди.

Оламни нозик туйғулар билан ҳис этиб, шеърларида, дostonларида инсоният қалби-га муҳрлини қоладиган ушбу сатрларни ёзган шоир туҳматни қандай бошидан кечирган экан?..

**Боғларга намозгар салқини тушди, Гуллар нам баргини қайирди аста, Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан паства, Лоладек кип-қизил ўт шафақ ўчди... Кўз тутдим, кўзларим нигорон бўлди. О дилбар, сиймбарим, юзлари қирмиз, Киприги кўксига соя солган қиз, Кўз тутдим, юрагим тўла қон бўлди...**

Ҳар ёзда, саратонда боғларга намозгар салқини тушганда мен беихтиёр Усмон Носирнинг ушбу сатрларини ёдга



оламан. Нам баргини қайираётган гуллар, тоғларнинг пастига сув ичиш учун тушиб кетган офтоб ва асрларки ошиқларни ҳайратга солган “Киприги кўксига соя солган қиз”...

Усмон Носирдан жуда катта ҳажмда асарлар қолмади. Аммо унинг нузли мисралари миллилатнинг ёдида қолди. У ўзининг санокли шеърлари билан миллион-миллион юракларга ёғдулар сочиб, бемисл таъсир кўрсатди. Муҳаббат мавзусида ёзган сатрлари йиллар ўтган сайин олтин конларидек болалаб, кўнгиллар мулкига айланди. Зеро, бадий ижоднинг салмоғи ҳажми билан эмас, бадий-поэтик қадр-қиммати билан белгиланади. У халқнинг қалбида яшаб қолиш учун жаҳон адабиёти намояндалари ижодидан таржималар қилиб улгурди. Ушбу мисралар устозлари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбекларнинг ҳам қалблари ифодаси бўлган “Нил ва Рим” шеъринан:


**Менман у қулларнинг ўлмас авлоди, Мана, менман у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди. Мана, менман фалакларга лов-лов ўт қўйиб,**



Ёшлар ўртасида китобхонликка қизиқишни янада ошириш, уларни юртимиз тарихи ҳамда ўзимиздан етишиб чиққан буюк шахслар ҳаёти ва фаолияти билан янада яқинроқ таништириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу йил буюк

верситети доценти Зиёдаҳон Тешабоева улуғ саркарда ва давлат арбоби, муаррих ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид кўп йиллик тадқиқотларини ўқувчилар билан баҳам кўрди. Хусусан, “Бобурнома” ва унинг инглизча таржималари, “Бобурнома”нинг Шарқ ва Фарб

## «БОБУРНОМА»НИНГ ЛИСОНИЙ ЖОЗИБАСИ



янада кенгроқ нишонланди. Темурийлар ва бобурийлар даври тарихига бағишланган китоблар ва илмий асарлар чоп этилди.

Яқинда “Нодирабегим” нашриётида нашр қилинган “Бобурнома”нинг лисоний жозибаси инглиз таржимонлари талқинида” номли монография алоҳида эътиборга лойиқ. Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти уни-

верситети доценти Зиёдаҳон Тешабоева улуғ саркарда ва давлат арбоби, муаррих ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид кўп йиллик тадқиқотларини ўқувчилар билан баҳам кўрди. Хусусан, “Бобурнома” ва унинг инглизча таржималари, “Бобурнома”нинг Шарқ ва Фарб

верситети доценти Зиёдаҳон Тешабоева улуғ саркарда ва давлат арбоби, муаррих ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид кўп йиллик тадқиқотларини ўқувчилар билан баҳам кўрди. Хусусан, “Бобурнома” ва унинг инглизча таржималари, “Бобурнома”нинг Шарқ ва Фарб

дан, яъни эски ўзбек тилидан ўғирган Аннета Бевериж хоним таржимаси форсий тилдан инглизчага ағдарилган таржимадан яхши чиққанини таъкидлайди ва инглизча охириги нашр, америкалик В.Текстон амалга оширган таржимадаги ўхшашлик ва фарқларни ҳам кўрсатиб ўтади. Олима “Бобурнома” лексикаси ва фразеологик бирликлар таржимаси, баъзи сўзларнинг семантик хусусиятларини батафсил ифодалаган. Муаллиф бу тадқиқот жараёнида етук ҳиндуносл олимларнинг илмий асарлари ва бобурушнослик соҳасидаги ўнлаб китобларни синчиклаб ўрганган.

Зиёдаҳон Тешабоеванинг бу илмий монографияси бобурушнослик соҳасидаги яхши тадқиқот, маънавият ва илмий йўналишда ўзига хос лисоний жозибасига эга китобдир.

**Ботирали ЙЎЛДОШЕВ, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими**

Россиянинг “Ладомир” нашриётида “Ўзбек шеърияти антологияси”нинг дастлабки жилди босмадан чиқди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур китоб тақдими бўлиб ўтди.

Антологиядан XI–XIX асарларда яшаб ижод этган ўттиз уч нафар ўзбек шоири қаламига мансуб газал ва рубоийларнинг рус тилидаги таржимаси ўрин олган. Китобга “Алпомиш”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Ширин ва Шакар”, “Тоҳир ва Зухра”, “Орзигул” дostonларидан парчалар ҳам киритилган. Таржималарни Николай Гребнёв, Сергей Иванов, Светлана Сомова, Александр Пеньковский каби моҳир таржимонлар, шунингдек, Маргарита Алигер, Самуил Маршак, Николай Заболоцкий каби таниқли шоирларлар амалга оширган. “Ўзбек шеърияти антологияси”нинг иккинчи жилди жорий йилнинг ноябрь ойида чоп этилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ёш ижодкорлари ўртасида ўтказиб келинаётган “Нафис мажлислар” халқаро онлайн мушоираси тили, урф-одат-

лари, маданияти муштарак қардош халқлар ўртасида азалий дўстлик ҳамда адабий-маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Галдаги онлайн мушоирада иккала мамлакатнинг навқирон ижодкорлари фаол қатнашди.

— Озарбайжонда 2022 йил “Шуша йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистонда

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

кўплаб тадбирлар ва лойиҳалар режалаштирилган, — деди Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази директори Самир Аббосов мушоиранинг очилиш маросимида. — Бугунги шеърий учрашув ҳам XIX асрда Қорабўғда ўтказилган шоирлар мажлисининг давоми сифатида ташкил этилмоқда.

Низомий номидаги Тошкент педагогика университетида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир, публицист Абдусайд Кўчимов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Абдуғаффор Қўриғзобоев, “Шарқ юлдузи” — “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири шоир Сирожиддин Рауф, адабиёт-шунослар Қозоқбой Йўлдошев, Қурдош Қаҳрамонов ва бошқалар А.Кўчимов ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган навбатдаги “Ҳиёбон оқшомлари” да таниқли адиба Муҳаббат Йўлдошева, болалар ёзувчилари Гулноз Тожибоева ва Хуршид Тожибоев иштирок этди. Адабиёт ихлосмандлари ўзбек шоирларининг гўзал шеърлари ҳамда хонанда Дилшодбек Лазиз томонидан куйланган куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

Учрашув якунида Муҳаббат Йўлдошева ёш ижодкорларга ўзининг муаллифлик китобларини совға қилди.

Шўхрат АЗИЗОВ

## ҚИЗГИН УЧРАШУВЛАР

Жиззах педагогик институти ва Зомин туманидаги 47-мактабда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ижодига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирларда сўзга чиққан ёзувчи

Нормурод Норқобилов, профессор Адҳамбек Алимбеков, тиббиёт фанлари доктори, ёзувчи Жумағазар Бекназаров ва институтнинг профессор-ўқитувчилари устоз ёзувчининг серқирра фаолияти, ўзбек адабиётида тугган ўрни ҳақида талаба ва ўқувчиларга батафсил тушунча бериб ўтдилар.

Тадбир давомида устоз адибонинг асарлари асосида талаба ва ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди ва шеърларидан намуналар ўқилди. Учрашув якунида устоз адибонинг янги китоблари таълим муассасалари кутубхоналарига совға қилинди.

## МАКТАБ САҲНАСИДА

Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ҳамда 17-маҳсул мактаб ҳамкорлигида шоир, носир ва драматург Абдулла Айизовнинг “Орзулар қанотида” асари асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

— Бу драмада бегубор болалик орзуларига эришишни истаган ўғил-қизларнинг ҳаётда тўғри йўл топиларида муҳим омил — илм-маърифат, китобхон-

лик, музейларга саёҳат, буюк боболаримизнинг ибратли фаолияти саҳна кўринишларида намён бўлади. Саҳнадаги ёшлар ўз орзулари ҳақида ўртоқлашадилар ва орзуларга етишишда энг катта кўмакчи китоб эканини, тарихда ўтган буюк инсонлар ҳам ўз мақсадларига етказадиган йўлни китобдан топанликларини образли ижро этдилар, — дейди ижод мактабининг драма тўғраги раҳбари Актам Бойтураев.

Гулчехра МАНСУРОВА

# БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

муҳаррири, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси рутбасига эришди, кўплаб шоғирдлар етиштирди. Аммо ажойиб кунларнинг бирида унинг бошида қора булутлар чарх урди, ишдан олинди, хизматлари унутилди, асарлари таққиқа учради...

**талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда, Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар**". Ҳа, шундай: 14 ёшидаёқ катта адабиётга шахдам қадамлар қўйган шоира ХХ-ХХI аср ўзбек шеъриятининг атоқли вакили, давлат ва жамоат арбоби... Ҳалима опа эди. Ҳалима Худойбердиева эди...

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева бугун ҳаёт бўлганида 75 баҳорни қаршилаган бўларди. Шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмасида "Байроқдек хилпираб вақт келаетир..." номли адабий-маърифий тадбир ўтказилди. Шоира ҳаёти ва ижодига оид китоблар курғазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ҳалима Худойбердиева номидagi ижод мактаби директори Покиза Абдураҳмонова, таниқли ижодкорлар Қўлибек Раҳимбоева, Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Гулжамол Асқарова, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият ва санъат намояндalари ҳамда шоиранинг мухлислари сўзга чиқдилар. Улар ўзбек шеъриятига севги, садоқат, меҳр ва мурувват сингари самимий туйғуларни олиб кирган ҳассос шоиранинг ўлмас шеърияти ҳамда инсоний фазилатларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тадбирда шоира номидagi ижод мактаби ўқувчилари томонидан бадиий композиция намойиш этилди. Ҳалима Худойбердиеванинг "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор" номли китоби тақдими бўлиб ўтди. Таниқли санъаткорлар томонидан шоира шеърларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

\*\*\*

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб ўтказилаётган тадбирлар Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида давом этди. Тадбир доирасида журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди. Ҳалима Худойбердиева номидagi ижод мактабида ўқувчиларининг ижодий курғазмалари намойиш қилинди.

**Зулайхо АҲМАДЖОНОВА**

**КУЗАТИШ ХОТИРАСИ**  
*Ҳалима ҳам ўтиб борар – билмаслар.*  
**Ҳалима Худойбердиева**

Ер остига шарқираб Дарёлар кетиб борар, Қизил-яшил ярқираб, Дунёлар кетиб борар.

Қояларга қор тушар, Қора бошга зор тушар, Тош мойидай сирқираб Маънолар кетиб борар.

Товонида ўт чақнаб, Юрағида дард чақнаб,

Виждонлардай зирқираб Ҳаёлар кетиб борар.

Ҳалималар додида, Абдулларар ёдида Кўз ёш каби тирқираб, Кубролар кетиб борар.

Хушёр бўлгил, элу юрт, Поянғга тушмасин курт. Тобутларда гуркираб, Дуолар кетиб борар.

Ер остига шарқираб Дарёлар кетиб борар.

**Эшқобил ШУКУР**



тобхонлик қилганларида, уйимизда тонготар базм бўларди. Қиблагоҳим отам китоблар қироатини жойига келтириб, галати, юракни ларзага келтирувчи бир хонш билан ўқирдилар. Ижодкор бўлиб, озгина нимагадир эришган бўлсам, бунинг учун мен аввало ўз онам Шарофат Хонназар қизи, отам Умматқулбой Худойберди ўғлининг, кейин онаизорим (хотини) Қаршигул Хонназар қизи пойига бош қўйиб, кўнглимни изҳор қилмоғим лозим".

Боёвнинг эрка қизи "Саодат" журнали бош

У 2018 йили вафот этди. Шоира қайғу-ҳасратда ўтиб кетди, дейиш хато бўлар – Президентимиз ташаббуслари билан 2016 йилда у ва унинг оиласига муносабат кескин ўзгарди. Шоиранинг номи ва шаъни тикланди. Унинг номи ижод мактаблари, кўчаларга қўйилди, давлат мукофоти билан тақдирланди. Аммо бу пайтда қаҳрамонимиз... умри повнида ёзган бир шеърида айтганидек... кетиб борарди: **"Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда, Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда. Бу**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мақтабда шунчаки кезиш, ўқувчиларни кузатиш, олис болалиқда қолган қадрдон "Шовқин"ни тинглаш ҳам мароқли. Мана, 286-мақтабда Мирзо Улуғбек тумани Халқ таълими бўлими томонидан "Китоб ярмаркаси" уюштирилмоқда. Бу жойдан шунчаки ўтиб кетиш қийин: ўқувчилар гулга ёпирилган асарларидек китоб танлаши, чуғурлашиб муҳо-

олами" номли телеграм гуруҳи очдик. Ўқувчиларнинг ижодий машқларини ушбу гуруҳда эълон қилиб, зарур маслаҳатлар бериб борилди. Синфларда адабиёт, ижод, журналистика, тарих, маънавият, ижтимоий ҳаёт мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Ҳатто ўқувчиларни қизиқтириш учун, "олий ўқув юрталари таяёрланаётган юқори синф ўқувчиларимизда тарих, маънавият, адабиёт, мафкура ва сиёсатга оид саволлар бўлса, ёрдам берамиз", дея ваъда

## ЭЗГУЛИК БОҒЛАРИ

кама қилишлари – жуда кўнглили манзара. Ўн дақиқача кузатувим натижаси шуки, Ўтқир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" бир зумда тугади. 3-4 нафар ўқувчи "Ўткан кунлар"ни сўради. Китоблар дўконидаги қараганда арзон нархда. Биттаси бир талай китобларни танлагач, сўнгра пулни чамалай бошлади, иккинчиси: "Ўн икки мингга чет эл адабиётидан қайси китобларни олсам бўлади?" деб сўра-япти. Муҳаммад Юсуф, Саид Аҳмад асарлари қўлма-қўл бўлиб кетди. "Ҳамид Олимжоннинг "Жимжитлик" романи борми?" деб сўрайди бирови. Бошқалари кулиб, "Жимжитлик"ни Саид Аҳмад ёзган-ку!" дея тўғрилашди. "Асосан қандай китоблар кўпроқ сотилади?" дея сўрадим сотувчи опадан. "Ҳар мактабда турлича китобларни сўрашди, – дейди опа. – Бир мактабда илмий адабиётлар, қўланмалар кўпроқ кетса, иккинчисиде тарих ва адабиётга оид китобларни сўрашди. Ҳаммаси ўқитувчиларга боғлиқ".

Опа тўғри гапни айтди. Масалан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Санобар Бердиеванинг адабий суҳбатларини ўқувчилар жуда яхши қўришади. Устоз ўтказган эсселар танлови ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Бугунги ёшлар дунёқараши ва қизиқишларини инobatта олиб, дастлаб "286-мактаб ижод

теран мақсадлар мужассам. Адиб ва шоирлар билан бевосита мулоқот, китобхонлиқни кенг тарғиб этиши, ёш истеъодларни кашф этиши ва тарбиялаш, мактаб ва таълим мавзусида янги асарлар ёзилиши, соҳа муаммоларини аниқлаш, мақбул ечимлар тақлиф этиш шулар жумласидан. Масалан, Ўтган йил домида 286-мактабда шоирлар Бобур Бобомурод, Зикрилла Неймат, Насриддин Ботиров ва бошқалар билан учрашувлар ўтказилди. Ёзувчи Ҳаким Сатторийнинг бугунги мактаб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Остона" қиссаси муҳокамаси ўтказилди. Буюк адиб Абдулла Қодирий ижодига бағишланган суҳбатлар, айниқса, қизиқари кечди.

Мақтаб ва ижод аҳлини ўзаро яқинлаштириш ҳақидаги Президент ташаббуси замирида

"Энг фаол тарғиботчи" республика танлови қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи шоир ва ёзувчилардир. "Китоблари энг кўп нашр этилган иштирокчи" номинациясида Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдунаби Ҳамро ғолиб бўлди.

Маънавият тарғиботчилари республика танлови дастлабки йиллик фаолиятнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Етти минг нафардан кўпроқ киши қатнашган танловнинг яқиний босқичида 28 нафар қатнашчи 8 номинация бўйича тақдирландилар. Учта энг юксак ўриннинг ҳар бирига икки нафардан ғолиб лойиқ, деб топилди. Ҳулқар Фафқорова, Абдуваҳоб Зарипов, Зикрилла Неймат, Гузалхон Ёброҳимова, Наргизахон Уринова, Собир Исмаилов каби ижодкор зиёлилар ушбу уринларга лойиқ ва китоблар тўплами топширилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Мирзо таъкидланганидек, ҳар бир иштирокчи ўз ишлари билан Эзгулик, Яхшилик, Ижод, Гузаллик номли боғлар яратилмоқда. Бу боғлар келгусида, албатта, тотли мевалар беради.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

**Оталаримнинг бошидан пойдевор уйиб, Озодлигим обидасин қурган инсонман. Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!**

Усмон Носир миллат зиёлиларининг юрагини кемираётган дарду ҳасратларни баралла айтди. У шеърин сатрларини мардлик, жасорат туйғуларидан совут кийган лашкарларга айлантирди, дostonларида ўлим билмас қўшинларнинг енгилмас қўмондонига айланди. Совуқ авахтаоналарда бир тишлам муз қотган қора нон тишлаганда тишларидан оққан қонни зулмкорлар башарасига ҳайқмай тулурди.

**Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир Ўй босади. Юрагимга гўё сел ёғар. Қийналаман. Тиришаман.**

## КЎЗИГА ОЙНИ БЕРКИТГАН ШОИР

**Хушим паришон. Ҳитмиш, ҳозир ва келажак кўринар ҳар он. Тиришаман, бутун кучим кўзимга келар. Чирғимга парвонадек урилар йиллар... Тўрт атрофим тўлиб кетар қуйган қанотга.**

Давр шоирини ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлади. Бундай ҳолда ҳатто темир парчаланиб, симобдек оқиши мумкин. У кучли руҳият соҳиби эди. Бошқа сиёсий маҳбۇсларнинг юртидан ўз ватандошини оқлаш учун ёзилган истаклар, илтижолар, талаблар ҳисобга олиниб, улар тартиби енгилроқ бўлган худудларига кўчириллар, ҳатто бирин-кетин оқланар эди. Аммо биргина ўзбек шоири Усмон Носирнинг ортидан юборилган ёзишмалардан сўнг шоирга янада оғирроқ жазолар қўлланарди.

Шундай бўлдики, Усмон Носирга ўша ердаги кўриқчилар, врачлар ҳам яширин меҳр берар, раҳмдиллик кўрсатарди. Унинг рус тилида ёзган шеърларини ҳамширалар бошқа бўлимларга ҳам тарқатар, кўйиқ қилиб куйлашарди:

**О, боги! Где жалость у вас к человеку? И кто из вас слышит больного раба? Свобода его под замком. И жизнь под замком, и судьба!**

Ўзга миллат вакиллари Усмон Носирни Шарқнинг Пушкини, Лермонтови деб эъзозлашарди. Унинг шеърларини кўйиқ қилиб куйлаганлар ўзини бир бор кўришни орзу қилар эди. Аммо кўришнинг иложи йўқ. Маҳбус Усмон Носирнинг ҳужжатлар учун туширилган суратига боқиб биз, у мана шу қарғиш теккан кийим ичида ҳам шахзодалардек кўркамлигини ҳис қиламиз, аммо у суратга "Қайғу ичидagi шахзода" ёки "Кўзларига ойни беркитган шоир" деб ном қўйиш мумкин.

У халқнинг хотирасида "Тухмат ботқоғидан боқиб турган ой" бўлиб муҳрланиб қолди. У озодлик учун битта ўзи совуқ ўлкаларда "Муз жанги"ни, "Лой жанги"ни, "Аёз жанги"ни, "Изтироб жанги", "Бўрон жанги",

"Соғинч жанги", "Жабру ситам" жанглариини ўтказди. Усмон Носир бу жанглариининг барида зафарлар кучди. Ишонинг! У ўлиб ҳам ҳақиқат учун жанг қилишдан тўхтамади. У маҳкумлар кийимини кийиб қандай курашган бўлса, қафан кийиб ҳам худди шундай курашди. Ҳамма курашлар тўхтади, урушлар тугади. Биргина унинг уруши тугамади. Биргина унга отилган ўқлар тўхтамади. Бу кураш то бугунга қадар давом этди. У "Насимага деганим" шеърда ёзади:

**Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас, Кўп ҳали ҳаётда насибам. Силлигим безарар, ҳеч гапмас, Борини кўраман, Насимам, Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас. Олдимда кутади имтиҳон – Мен оғир жангларда бўларман. Насима! Бу кунги иссиқ қон, О, балки тўкилу... ўларман. Олдимда кутади имтиҳон!**

**Ўйланиб кўзингга қарасам, Иккита денгиздай кўринур... Насима! Ичанам рост қасм, Оловдек ловуллаб дил ёнур, Бахтлиман жангларга ярасам!**

Усмон Носир баҳор умри жанглар олови ичида кечилини олдиндан башорат қилгандек. Бу жангларга яраса, албатта, галаба қилишига ишонган, қаттиқ ишонган. 2022 йил 10 февралда Усмон Носир оламшумул зафар кучди. Давлатимиз раҳбарининг "Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Усмон Носир "Ўнутмас мени боғим" деган шеърда "Келажакимга ҳомий" деб ифодаланиддек, бир кун она-Ватанга одил Юртбоши келиб, келажакимга ҳомийлик қилишига, гуллардан ҳайкал қуришига ишонган ва умид қилган:

**Баргдек узилиб кетсам, Ўнутмас мени боғим. Ишимни ҳурмат қилар, Гуллардан ҳайкал қураар. Минг йиллардан кейин ҳам Ўнутмас мени боғим.**

Мана, гулларга фарқ бўлди Усмон Носирнинг боғлари. Бу чаманга бир марта ташриф буюрганлар абадий қолиб кетиши аниқ. Янги Ўзбекистоннинг келажаким, Учинчи Ренессанс эгалари бу боғнинг мафтункорлигидан илҳом оладилар. Бу боғдан ҳеч қачон ноумид чиқиб кетмайдилар. Баланд-баланд чўққиларни забт этиш, янги ғояларни ишга солиш учун руҳий қувват оладилар. Бу боғда уларга 21 ёшли шеърият шахзодаси Усмон Носир ҳамроҳлик қилади.

**Зулфия МҲМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## ВАТАН АРДОҒИДА



Инсониятга беҳисоб қулфатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан буён 77 йил ўтган бўлса-да, унинг асоратлари халқлар хотирасидан ҳануз ўчмаган. Жумладан, уруш йилларида ўзбек халқи ҳам ўз матонати ва мислсиз жасоратини намойён қилди. Уруш қатнашчилари ва давр жоғиаларига бевосита гувоҳ бўлган инсонлар орамизда оз қолди. Эрназар бобо Ҳасанов ана шундай инсонлардан бири. У киши 1924 йилда Қашқадарё вилояти Гузор туманидаги

Совбоғ қишлоғида туғилган. Энди-гина 18 ёшга тўлган пайтда 1942 йилнинг қаҳратон қишида урушга сафарбар қилинган. Белоруссия frontiда, Курск, Орловск, Бобровск шаҳарларини озод қилишда жонбозлик кўрсатди. 1943 йили бошидан жароҳат олиб, тўрт ойлик даволанишдан сўнг яна жанг майдонига гувоҳ қайтган. Шу тариқа 1945 йили Берлин ишғолигача олдинги сафларда жанг қилган. Германия таслим этилгач, яна 2 йил Дрезден шаҳрида хизмат қилиб, 1947 йили

қадрдон қишлоғига қайтиб келди. Ватанга қайтган жангчи Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги соҳасида самарали меҳнат қилди. Совбоғ қишлоғида пахтачилик, ғаллачилик жамоаси бригадири бўлиб фаолият олиб боради. 1951 йили Самарқанд шаҳрида очилган "Раислар мактаби"да икки йиллик таҳсилдан сўнг фаолиятини бош агроном, раис ўринбосари лавозимларида давом эттиради. 1979 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвони билан мукофотланди. Эл-юрт ва ўз дилбандлари ардоғида яшаётган Эрназар бобо бу йил 98 баҳорни қаршилади. Олти нафар фарзанди, 29 нафар набираси, юзга яқин чевара ва эвараларга умрнинг ҳар кунини қадрлаш, яхшилик қилишни ўқтиради.

Эрназар бобо каби фидоий инсонлар бугунги ёш авлод учун ибрат намунасидир. Ватан, эл-юрт тинчлиги йўлида ўз жонини хатарга қўйган бундай инсонлар доимий эътиборда. Зеро, хотира – абадий, қадр – муқаддас.

**Зебо ХОЛМУРОВОВА, Феруза ЭРДОҒОНОВА, Қашқадарё вилояти Гузор туманидаги 27-мактаб ўқитувчилари**



**Ашуралӣ БОЙМУРОД "Учинчи уйғониш"**  
"Ijod nashr" нашриёти, 2022

Ашуралӣ Боймурод шеърларини ўқиганингизда туйғулар самимийлигини, давр нафасини ҳис қиласиз. Шеърларда олис қадриятлардан тортиб бугунги замон қиёфасигача булган уйғунлик мужассам эканлигини англайсиз. Замонга ҳамнафас шоир Ватан суратини, ислухотлар шиддатини кўз олдингизда намойён қилишга интилади.

Беихтиёр қалбингизда соғинч, ифтихор, муҳаббат ҳисларини пайдо қилгучи оҳорли ташбеҳлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.



**Адхамбек АЛИМБЕКОВ "Сўз чамани ичра наво кўргузиб"**  
"Adabiyot" нашриёти, 2022

Ҳазрат Алишер Навоийнинг: "То топибон хуштақаллум тузай, Сўз чамани ичра наво кўргузай" мисраларида ҳар бир шоирнинг орзуси мужассам бўлса керак. Сўз чамани ичра наво кўргузмоқ қўлига қалам тутган ижодкорнинг нури ниятидир.

Мазкур монографияда таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг ижодий йўли ҳақида сўз юритилади. Шоирнинг шеърлари таҳ-

лил қилиниб, ижодкор бадиий маҳорати, асарларидаги ўзига хослик инжалик билан курстатилган.

Мазкур китоб Саъдулла Ҳакимнинг адабий портретини яратишдаги илк тадқиқот бўлгани билан ҳам ўқувчилар диққатини тортиши шубҳасиз.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган.







